

Эмикдош ака-сингилнинг ҳукми нима?

21:03 / 24.04.2016 4413

Эмикдошлик ҳақида бир неча саволларим бор: эр-хотин ўзларининг эмикдош ака-сингил эканлигини билишса, нима қилишади? Уларнинг фарзандларининг ҳукми нима? Бир эркак ё аёл қандайдир эр-хотиннинг эмикдош эканлигини билса, буни уларга айтиши вожибми? Бағрига олган ё эмизган аёл бағрига олгани ё эмизгани учун ҳақ олиши мумкинми?

ЖАВОБ: Агар эр-хотин бир-бирларининг эмикдошлари эканларини билишган заҳоти зудлик билан ажралишлари вожиб бўлади. Қозига мурожаат қилиб, ажралганларини қайд эттиришлари керак. Фарзандлари қонуний фарзанд бўлади. Насаблари уларга боғланишида шубҳа бўлмайди. Эмикдош ака-сингил эканлигини билгунларича бўлган муносабатлари учун гуноҳкор бўлмайдилар. Бирор киши бошқа бир эр-хотиннинг эмикдош эканларини билгудай бўлса, буни уларга айтиши вожиб бўлади. Бундан сўнг масъулият улар зиммасига тушади. Етим қолган болани бағрига олган ёки ўзга бир эр-хотиннинг боласини эмизишга олган аёл эмизгани учун ҳақ олиши шариятимизда бор нарса. Аммо гўдакнинг туққан онаси талоқ қилинмаган бўлса, бу иши учун ҳақ олиши мумкин эмас. Агар талоқ қилинган бўлса, ҳақ олса бўлади. Ҳатто гўдакнинг онаси ўзга аёлдан кўра бунга муносиброқдир (Аллоҳ билувчидир).